

Каъбанинг ичида намоз ўқиш | Фикҳ дарслари (283-дарс)



19:00 / 23.05.2024 1535

ضُرْفُ لَإِةَ بَعْكَ لَإِ ي فِ حَ ص
يَ لَإِ هُ رَةَ ظَ نَا كُ وَلَو ، لُ فَّ نَ لَ أَوْ
يَ لَإِ هُ رَةَ ظَ نَمَ لَ أَلِ هِمَامِ رَةَ ظَ
نَ إَوْ . أَهَقُ وِفَ هِرْ كُ وِ هِ جَ و
بَرْ قًا مُ هُ ضُعْ بَ وَا هَلُ وِحَ أَوَدَتْ قَا
مَ لُ نَ إِ حَ ص ، هِمَامِ نَمَ أَهِي لَإِ
هَبِ نَ أَجَ ي فِ نُ كَي

Каъбанинг ичида фарз ва нафл ўқиш дурустдир. Агар у орқасини имомнинг орқасига қилиб ўқиса ҳам. Орқаси имомнинг юзига бўлиб қолса, бўлмайди. Каъбанинг устида намоз ўқиш макруҳдир. Агар имомга Каъбанинг атрофида иқтидо қилсалар ва баъзилари унга имомидан яқин бўлса, имомнинг ёнида бўлмаслик шарти ила намоз тўғри бўлади.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида:

﴿السُّجُودِ وَالرُّكُوعِ وَالْعَاكِفِينَ لِلطَّائِفِينَ بَيْتِي طَهْرًا أَنْ﴾ ۱۲۵

«Байтимни тавоф қилувчилар, муқим турувчилар, рукуъ ва сажда қилувчилар учун покланглар», деган (125-оят).

Байтни рукуъ ва сужуд қилиш учун поклашга амр қилиниши унда намоз ўқиш жоизлигига далолатдир.

هَلْ لَّا يَضْرَرُكُمْ نُبَا نَاك
يَشَمَّهَ بَعْكَ لَّا لَخَد إِذَا أُمُّهُ نَع
بَابُ لَّا لَغَجَّوْ، هَجَّوْ لَبِق
يَّتَحَّيَّشَمَف، هِرَظَّ لَبِق
رَادِجُ لَّا نِيَبَّوْ هَنِيَبَ نُوْكَ ي
نَمَّ أَبِي رَقَّ هَجَّوْ لَبِق ي دَلَّا

يُخَوِّتِي ، يَلْصُقُ رَدَأَ ثَالِثِ
لِالْبِهِبِ هَبُّهُ رَبُّخَ أَيُّ ذُلِّ انْكَامِلِ
هَيْلَعُ هَلِّ لِي لَصُّ يَبْنُلَانَا
بِلَاقٍ ، هَيْفُ يَلْصُقُ مَلَسَو
نَأْسُ أَبِ دَحَّ أَيْلَعُ سَيْلَو
يَحَاوَنِي أَيُّفُ يَلْصُقُ
يِرَاخُ بُلَا هَاوَرُ . أَشْرَتِي بُلَا
دَمْحَاوُ

«Ибн Умар розияллоху анхумо қачон Каъбага кирса, юзланган томонига қараб юрар, эшик (унинг) ортида қоларди. Ўзи билан тўғрисидаги деворгача чамаси уч зироъ қолгунича юриб борар, Билол «Набий соллаллоху алайҳи васаллам шу ерда намоз ўқиганлар», деган жойни танлаб, (ўша ерда) намоз ўқир ва: «Бирор кишига Байтнинг ичида (унинг) қаерига қараб намоз ўқиса ҳам, ҳечқиси йўқ», дер эди».

Бухорий ва Аҳмад ривоят қилишган.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам Каъбанинг ичида намоз ўқиганлар. Ул зот соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга Каъба ичига Усома ибн Зайд, Усмон ибн Толҳа ва Билол ибн Рабоҳ розияллоху анхум кирганлар. Сўнгра эшикни ёпиб қўйганлар. Улар Каъбаи Муаззаманинг ичида бир муддат қолиб кетганлар.

Каъбанинг ичидан қайтиб чиққанларида Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу ҳазрати Билол розияллоҳу анҳудан: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нима қилдилар?» деб сўраганлар. Шунда Билол: «Бир устунни ўнг, бир устунни чап, учта устунни орт тарафларида қилиб намоз ўқидилар», деб айтган.

Ўша пайтда Байтуллоҳнинг ичида олти устун бор экан. Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу кейинчалик қачон Каъбанинг ичига кирсалар, худди Билол розияллоҳу анҳу хабар берганларидек қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қилганларини такрорлашга уринарди.

Ҳозир Каъбаи Муаззаманинг ичида, қоқ ўртасида учта устун ўрнатилган. Устунлар мийзоб – тарнов томон билан Ҳажарул Асвад ва Рукни Ямоний орасидаги девор тарафга қаратиб ўрнатилган. Уч устуннинг тепасида тўсин бор. Устунлардан иккитасининг орасига ёғоч сандиқ ҳам қўйилган. У сандиқда Каъбаи Муаззамани тозалайдиган, хушбўй қиладиган нарсалар қўйилар экан.

Ушбу сатрларни ёзувчи ожиз бандага ҳам Аллоҳ таоло кўплаб марта кириб, Каъбанинг ичида намоз ўқишни насиб этди.

Каъбаи Муаззаманинг остонаси ташқаридан ҳам кўриниб турганидек, одам бўйидан баланд. Ичкарига фақат эшикдан ёруғлик тушади.

Каъбаи Муаззаманинг ери мармар билан қопланган. Ён деворларининг одам бўйидан баландроқ жойигача мармар билан қопланган. Деворларнинг қолган қисми ва шифти «Лаа илааҳа иллаллоҳу» деб ёзилган яшил рангдаги қимош (мато) билан қопланган.

Ҳажарул Асваддан тавоф қилиб юриб кетганда келадиган биринчи бурчакнинг девори ичкарига бир метрча туртиб чиққан.

Ичкарига кирган одам ўзини бошқа оламга кириб қолгандек ҳис қилади. Ҳамма кўринган томонга қараб намоз ўқийди, йиғлаб дуолар қилади. Ҳамма тарафга хушбўй атирлар суртилган бўлади.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.

